Вилоятда бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий қисми бино ва иншиотлар қурилиши (473,3 млрд. сўм) га тўғри келиб, вилоят умумий ҳажмида 72,5 % ни ташкил қилди. Шу билан бирга, фуқаролик қурилиши (144,6 млрд. сўм) объектлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари вилоят умумий ҳажмининг 22,1 % ни ҳамда ихтисослаштирилган қурилиш (35,1 млрд. сўм) ишлари 5,4 % ни ташкил этди.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Номолиявий активларга киритилган инвестициялар** – бу реал маблағларни яратишга йўналтирилган инвестициялар бўлиб, қўйидагиларни ўз ичига олади: асосий капиталга киритилган инвестициялар, капитал таъмирлашга харажатлар, номоддий активларга киритилган инвестициялар (патентлар, лицензиялар, дастурий маҳсулотлар, ер майдонларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш хукуқлари ва бошқалар).

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларга** - барча турдаги қурилиш ишларига қилинган харажатлар; асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича харажатлар; машина, асбоб-ускуналар (монтаж талаб этиладиган ва талаб этилмайдиган), транспорт воситалари, жиҳоз ва хўжалик инвентарини сотиб олиш; бошқа капитал ишлар ва харажатлар киради. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, илгари бошқа ташкилотларнинг асосий фондларида хисобга олинган асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг эҳтиёт қисмлари)ни сотиб олишга қилинган харажатларсиз келтирилган.

**Чет эл инвестициялари** – асосан келгусида фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси худудидаги корхона ва ташкилотларга киритилган чет эл капитали.

**Инвесторлар** – юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, қарорларни қабул қилувчи ва ўз маблағлари, қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағларни инвестиция кўринишида инвестицион лойиҳаларга киритишни амалга оширувчи ҳамда улардан мақсадли фойдаланишини таъминлаб берувчи инвестицион фаолият субъектлари хисобланади.

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** – бу корхонага тўлиқ эгалик қилувчи ёки корхона акционерлик капиталининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини назорат қилувчи, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш хукуқиги эга бўлган, тўғридан-тўғри хорижий инвестор юридик ёки жисмоний шахс томонидан киритилган инвестициялар.

**Буюртмачилар** – инвестицион жараённинг қатнашчилари. Буюртмачи сифатида инвесторнинг ўзи, шунингдек инвестор томонидан амалдаги корхоналарни, биноларни, иншоотларни янги қурилиши, қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришни амалга оширишлари учун вакил этиб тайинланган жисмоний ва юридик шахслар фаолият кўрсатишлари мумкин. Шу билан бирга буюртмачи инвестицион жараён қатнашчиларининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятига, агарда улар орасидаги шартномада назарда тутилмаган бўлса аралашмасликлари лозим.

**Пудратчи** – капитал қурилиш учун пудрат шартномаси асосида бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж, қайта таъмирлаш, капитал таъмирлаш ҳамда технологик ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш, созлаш ва бошқа пудрат ишларини бажариш билан шуғулланади.

## V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2021 йилнинг январь-март ҳолатига олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 21166 тани ташкил қилди. Вилоят бўйича кичик тадбиркорлик корхона ва ташкилотларининг сони Урганч шаҳрида 4706 та, Хива шаҳрида 1985 та, Хива туманида 1747 та, Урганч туманида 2397 та, Хонқа туманида 1638 та, Янгиариқ туманида 1135 та, Ҳазорасп туманида 1069 та, Гурлан туманида 1352 та, Кўшкўпир туманида 1459 та, Боғот туманида 1153 та, Шовот туманида 1057 та, Тупроққалъа туманида 471 та ва Янгибозор туманида 997 тани ташкил қилди.


**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши  
2021 йил январь–март ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)**



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг (31,0 фоизи), саноат тармоғида (25,2 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (16,8 фоиз), қурилиш тармоғида (6,8 фоиз) ташкил этилган.

2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) худудлар бўйича энг кўп Урганч шаҳрида 29,6 бирликда, Хива шаҳрида 19,6 бирликда, Янгиарик туманида 13,3 бирликда, Урганч туманида 14,6 бирликда, Хива туманида 13,1 бирликда, Янгибозор туманида 16,1 бирликда, Тупроққалъа туманида 13,3 бирликда, Гурлан туманида 11,8 бирликда бўлиб, ўртача кўрсаткич 7-10 бирлик оралиғида Ҳазорасп, Боғот, Кўшкўпир, Хонқа, Шовот туманларида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

### **2021 йилнинг январь-март ойларида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда)**



**Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони**  
**(бирлик, фермер ва дөхқон хўжаликларисиз)**

|                       | 2021 йил<br>1 апрель ҳолатига<br>рўйхатга олинган | 2021 йил январь-мартда |            |
|-----------------------|---|------------------------|------------|
|                       |   | ташкил<br>топди        | тұғатилди  |
| <b>Вилоят бўйича:</b> | <b>21166</b>                                      | <b>1271</b>            | <b>207</b> |
| <i>шаҳарлар:</i>      |   |                        |            |
| Урганч                | 4706  | 265                    | 49         |
| Хива                  | 1985  | 114                    | 11         |
| <i>туманлар:</i>      |   |                        |            |
| Боғот                 | 1153  | 92                     | 14         |
| Гурлан                | 1352  | 67                     | 18         |
| Қўшкўпир              | 1459  | 87                     | 20         |
| Урганч                | 2397  | 154                    | 23         |
| Ҳазорасп              | 1069  | 86                     | 12         |
| Тупроққалъя           | 471   | 42                     | 2          |
| Хонқа                 | 1638  | 113                    | 11         |
| Хива                  | 1747  | 86                     | 10         |
| Шовот                 | 1057  | 69                     | 15         |
| Янгиариқ              | 1135  | 50                     | 17         |
| Янгибозор             | 997   | 46                     | 5          |

2021 йил январь-март ойларида вилоятда рўйхатга олинган янги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони 1271 тани ташкил топган бўлиб, бу кўрсаткич Урганч шаҳрида 265 та, Урганч туманида 154 та, Хива шаҳрида 114 та, Хонқа туманида 113 та, Қўшкўпир туманида 87 та, Ҳазорасп туманида 86 та, Хива туманида 86 та, Шовот туманида 69 та, Янгиариқ туманида 50 та, Гурлан туманида 67 та, Боғот туманида 92 та, Янгибозор туманида 46 та ва Тупроққалъя туманида 42 тани ташкил қилди.

2021 йил январь-март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 66,8 фоизи (2020 йил январь-мартда 66,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2021 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 487,3 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 19,8 фоизи) ташкил қилди;
- 2368,3 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 105,5 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 96,9 фоизи) ташкил қилди;
- 765,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 82,4 фоизи) ўзлаштирилди ва 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 132,0 фоизни ташкил қилди;
- 625,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 92,2 фоизи) бажарилди ва 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 95,9 фоизни ташкил қилди;
- автомобиль транспорти юк айланмасининг 101,3 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 70,5 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 101,4 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,0 фоизи) ташкил қилди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 86,4 фоизи ёки 1604,6 млрд. сўми (ўсиш 102,1 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 63,5 фоизи ёки 1198,7 млрд. сўми (ўсиш 106,0 фоиз) шакллантирилди;
- 24,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 48,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди. 61,4 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 67,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидағи  
хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши  
(2021 йилнинг январь-март)**

|                                 | <i>Кичик тадбиркорлик<br/>субъектлари маҳсулоти<br/>(иш, хизмат) ҳажми,<br/>млрд.сўм</i> | <i>Кичик тадбиркорлик<br/>субъектлари маҳсулоти<br/>(иш, хизмат) ҳажмида<br/>хусусий сектор улуши,<br/>% ҳисобида</i> |
|---------------------------------|--|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги | 2368,3   | 96,9  |
| Саноат                          | 487,3  | 19,8  |
| Қурилиш                         | 625,2  | 92,2  |
| Чакана савдо                    | 1604,6   | 86,4  |
| Юк ташиш, млн тн.               | 5,3  | 90,8  |
| Йўловчи ташиш, млн.кииши        | 85,9   | 93,9  |
| Экспорт, млн. АҚШ долл.         | 24,1   | 48,8  |
| Импорт, млн. АҚШ долл.          | 61,4   | 67,7  |

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши  
(фоизда)**



## VI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ

**Фойда.** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан - 47,5 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижада олинди.

### 2021 йилнинг январь - февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

|  | <i>Фойда, зарар (-), млрд. сўм</i> | <i>2020 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан % да</i> |
|--|------------------------------------|---|
| <b>Жами</b>  | <b>47,5</b>                        | <b>2,0 м.</b>   |
| Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш                 | -                                  | -   |
| Ишлаб чиқарадиган саноат                               | 42,9                               | 8,0 м.  |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 0,2                                | 20,0  |
| Курилиш  | 0,3                                | 26,2  |
| Савдо  | 3,7                                | 81,3  |
| Ташиб ва сақлаш  | -2,9                               | 59,2  |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар                    | -                                  | -   |
| Ахборот ва алоқа                                       | -                                  | -   |
| Молиявий ва суғурта фаолияти                           | -                                  | 0,02  |
| Кўчмас мулк билан операциялар                          | -                                  | 0,5   |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият                  | -                                  | 0,03  |
| Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш  | 0,01                               | 14,3  |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш         | 0,001                              | 50,0  |
| Бошқалар   | -                                  | -   |

<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва дехқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микро фирмаларсиз.

**2021 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида  
якуний молиявий натижалари**

|                       | <i>Фойда, зарар<br/>(-), млрд. сўм</i> | <i>2020 йилнинг<br/>январь-февраль<br/>оиларига нисбатан %<br/>да</i> |
|-----------------------|--|---|
| <b>Хоразм вилояти</b> | <b>47,5</b>                            | <b>2,0 м.</b>   |
| Урганч шаҳар          | 13,5                                   | 2,0 м.  |
| Хива шаҳар            | 0,1                                    | 28,0  |
| <i>туманлар;</i>      |  |   |
| Боғот                 | 0,2                                    | 69,2  |
| Гурлан                | 0,5                                    | 180,8   |
| Қўшкўпир              | 0,5                                    | 152,3   |
| Урганч                | -5,7                                   | -   |
| Ҳазорасп              | 0,09                                   | 4,1   |
| Тупроққалъа           | 5,3                                    | -   |
| Хонқа                 | 2,0                                    | 175,3   |
| Хива                  | 0,03                                   | 75,8  |
| Шовот                 | 25,5                                   | 4,0 м.  |
| Янгиарик              | 0,1                                    | 24,4  |
| Янгибозор             | 5,3                                    | 6,0 м   |


Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Шовот тумани – 25,5 млрд. сўм (жами фойданинг 53,7 %), Урганч шаҳри – 13,5 млрд. сўм (28,4%), ва Янгибозор тумани – 5,3 млрд. сўм (11,2 %)га тўғри келади.

**Заарлар.** 2021 йилнинг январь-февраль ойларида 6 та корхона ва ташкилотлар 6,8 млрд. сўм зааррга йўл қўйди. Заарнинг асосий қисми ташиш ва сақлаш -2,9 млрд. сўм, ишлаб чиқарадиган саноат 42,9 млрд. сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 0,2 млрд. сўм, бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш 0,01 млрд. сўм улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш 3,7 млрд. сўмга тўғри келади.

**2021 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар  
кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

| Корхоналар<br>сони   | Зарар суммаси |                         |
|--|---------------|-------------------------|
|  | млн. сўм      | Жамига<br>нисбатан % да |
| <b>Жами</b>  | <b>6</b>      | <b>6796,5</b>           |
| Профессионал, илмий ва техник<br>фаолият                   | 1             | 1,0<br>0,01             |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва<br>ҳавони кондициялаш  | 2             | 893,4<br>13,1           |
| Моторли транспорт воситалари ва<br>мотоциклларни таъмирлаш | 1             | 1,0<br>0,01             |
| Ташиш ва сақлаш  | 1             | 5859,8<br>86,3          |
| Таълим   | 1             | 41,3<br>0,61            |

**2021 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар  
кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**



**2021 йилнинг январь-февраль ойларида худудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**


|                       | <i>Корхоналар сони</i> | <i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да</i> | <i>Зарар суммаси, млн. сўм</i> |
|-----------------------|------------------------|--|--------------------------------|
| <b>Хоразм вилояти</b> | <b>6</b>               | <b>100,0</b>                                   | <b>6796,5</b>                  |
| Урганч шаҳар          | 3                      | 13,2   | 894,4                          |
| Урганч тумани         | 1                      | 86,2   | 5859,8                         |
| Хонқа тумани          | 1                      | 0,01   | 1,0                            |
| Боғот тумани          | 1                      | 0,61   | 41,3                           |

2021 йил 1 март ҳолатига зарар кўрган корхона ва ташкилотлари Урганч шаҳри, Боғот тумани, Урганч тумани ва Хонқа туманларига тўғри келмоқда.

**Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати<sup>1)</sup>**

2021 йил 1 март ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий хажми 940,0 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 6,2 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 0,7 % ини ташкил қилди. Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2020 йилнинг 1 мартаға нисбатан солиштирилганда 96,1 % камайган.

**2021 йил 1 март ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги (жамига нисбатан % да)**



<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижасорат ташкилотлар, маҳсулот ишилаб чиқарувчи қишилоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микро фирмаларсиз.

Энг кўп дебитор қарздорлик “Ўзпахтасаноат” АЖ корхоналари – 159,4 млрд. сўм (вилоят бўйича жами қарздорлиқдан 17,0 фоиз), “Худудий электр тармоқлари” АЖ – 51,6 млрд. сўм (5,5 фоиз), Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги – 67,9 млрд. сўм (7,2 фоиз), “Ўздонмаҳсулот” АК – 18,5 млрд. сўм (2,0 фоиз), “Ўзтрансгаз” АЖ – 13,4 млрд. сўм (1,4 фоиз), “Ўзбекнефтгаз” АЖ – 12,1 млрд. сўм (1,3 фоиз) кузатилмоқда.

**2021 йилнинг январь-февраль ойларида худудлар кесимида якуний дебитор қарздорлик натижалари**

|                       | <i>Дебитор қарздорлик (-), млрд. сўм</i> | <i>2020 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан % да</i> |
|-----------------------|--|---|
| <b>Хоразм вилояти</b> | <b>940,0</b>                             | <b>96,1</b>   |
| Урганч шаҳар          | 483,2                                    | 85,7  |
| Хива шаҳар            | 3,3                                      | 37,1  |
| <i>туманлар;</i>      |  |   |
| Боғот                 | 4,9                                      | 38,9  |
| Гурлан                | 26,0                                     | 115,5   |
| Кўшкўпир              | 15,4                                     | 74,5  |
| Урганч                | 38,6                                     | 146,2   |
| Ҳазорасп              | 47,4                                     | 37,2  |
| Тупроқкалья           | 72,5                                     | -   |
| Хонқа                 | 93,9                                     | 129,7   |
| Хива                  | 5,6                                      | 172,1   |
| Шовот                 | 35,5                                     | 39,2  |
| Янгиариқ              | 45,9                                     | 166,3   |
| Янгибозор             | 67,7                                     | 2,0 м.  |


Худудлар кесимида дебитор қарздорлик асосий қисми Урганч шаҳри- (483,2 млрд. сўм жами дебитор қарздорликнинг 51,4%) га тўғри келади.

Шовот тумани – 35,5 млрд. сўм (3,8 %) ва Янгибозор тумани – 67,7 млрд. сўм (7,2%) га тўғри келади.

### Корхона ва ташкилотларнинг кредиторлик қарздорлиги ҳолати<sup>1)</sup>

2021 йил 1 март ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий хажми 997,2 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 6,2 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 0,6 % ини ташкил қилди. Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2020 йилнинг 1 марта нисбатан солиширилганда 54,7 % камайган.

#### **2021 йил 1 март ҳолатига вазирлик ва идораларнинг кредитор қарздорлиги (жамига нисбатан фоизда)**



<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишилаб чиқарувчи қишилоқ хўжалик корхоналари, фермер ва дехқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Энг кўп кредитор қарздорлик "Худудий электр тармоқлари" АЖ – 155,7 млрд. сўм (вилоят бўйича жами қарздорликдан 15,6 фоиз), "Ўздонмаксулот" АҚ – 10,3 млрд. сўм (1,0 фоиз), Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги – 56,2 млрд. сўм (5,6 фоиз), "Ўзпахтасаноат" АЖ – 31,4 млрд. сўм (3,1 фоиз), "Ўзбекнефтгаз" АЖ – 13,2 млрд. сўм (1,3 фоиз) кузатилмоқда.

**2021 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида якуний кредитор қарздорлик натижалари**

|                       | <b>кредитор қарздорлик (-), млрд. сўм</b> | <b>2020 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан % да</b> |
|-----------------------|---|---|
| <b>Хоразм вилояти</b> | <b>997,2</b>                              | <b>99,3</b>   |
| Урганч шаҳар          | 483,4                                     | 143,3   |
| Хива шаҳар            | 0,7                                       | 25,9  |
| <i>туманлар;</i>      |   |   |
| Боғот                 | 1,5                                       | 34,9  |
| Гурлан                | 9,9                                       | 116,5   |
| Қўшкўпир              | 2,4                                       | 25,0  |
| Урганч                | 202,2                                     | 123,7   |
| Ҳазорасп              | 21,9                                      | 16,6  |
| Тупроққалъа           | 74,5                                      | -   |
| Хонқа                 | 84,0                                      | 160,0   |
| Хива                  | 8,6                                       | 76,8  |
| Шовот                 | 29,0                                      | 11,0  |
| Янгиариқ              | 11,5                                      | 101,8   |
| Янгибозор             | 67,6                                      | 9,0 м.  |

Худудлар кесимида кредитор қарздорлик асосий қисми Урганч шаҳри – 337,4 млрд. сўм (жами дебитор қарздорликнинг 33,8 %), Урганч тумани – 163,4 млрд. сўм (16,4 %) ва Шовот тумани – 264,2 млрд. сўм (26,5 %) га тўғри келади.

## VII. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДЕМОГРАФИЯСИ

*2021 йил 1- апрел ҳолатига кўра  
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)*

Тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётни ривожлантириши, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишида муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаши мақсадида, охирги йилларда Президентимизнинг қўплаб фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли руҳсатномалар олиш ва бошқа қўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) девони ташкил қилинди.

Барча ҳудудларда тадбиркорлар мурожсаатларини қабул қилиб, ҳал этишига қўмаклашадиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришини қўллаб-куватлаш давлат жамгармаси фаолияти йўлга қўйилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ошиди.

Охирги йилларда ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини янада ривожлантириши ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва қулайликлар натижасида фаолият кўрсатаётган ҳамда янги ташкил этилаётган корхона ва ташкилотлар сони йилдан-йилга сезиларли равишда ошиб бормоқда.

Корхона ва ташкилотлар тўғрисидаги мазкур маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базаси асосида 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) шакллантирилди.

## Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони

(1- апрел ҳолатига кўра, бирликда)



Вилоятимизда қулай ишбилиармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўз ўрнида, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш борасида ҳам қонунчиликда муҳим қарорлар қабул қилинмоқда, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиши автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётта тадбиқ этилмоқда. Бу эса, аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда

## Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(1- апрел ҳолатига кўра, бирликда ва ўтган йилга  
нисбатан ўсии суръати билан)



## Фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони

(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича  
2021 йил 1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)




## Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)



## Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони

(иқтисодий фаолият турлари бўйича, январь-март ойларида)



## Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони


(2021 йил январь-март ойларида, бирликда)



## Кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар

(1-апрел ҳолатига кўра, бирлиқда)



**Жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони ўтган  
йилнинг шу даврига нисбатан **27,6** фоизга оши**



■ Кичик тадбиркорлик субъектлари

■ Микрофирмалар

■ Кичик корхоналар




## Саноат йўналишида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

( 1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)



*Жами фаолият  
кўрсатаётган саноат  
корхона ва  
ташкилотларнинг  
умумий сони ўтган  
йилнинг шу даврига  
нисбатан 12,0 фоизга  
ошиди*





2021 йил 1 апрел ҳолатига кўра, саноат корхоналари ва ташкилотлари сони 3 791 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,2 фоизга ошиди.

Жами саноат корхоналари ва ташкилотлари кўпайишининг (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан) асосий омили ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) саноатида – 12,2 фоизга (жами саноатдаги улуши 97,9 фоиз), тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш саноатида – 31,3 фоизга (жами саноатдаги улуши 0,6 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш саноатида – 43,0 фоизга (жами саноатдаги улуши 2,3 фоиз) ўсишидир.

## Қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони

(1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)




## Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)




**Жами фаолият  
кўрсатаётган корхона ва  
ташкилотларнинг умумий  
сони ўтган йилнинг шу  
даврига нисбатан  
21,7 фоизга ошди**



### Кичик тадбиркорлик субъектлари сони




**21,6  
фоизга  
ошди**



### Микрофирмалар


### Кичик корхоналар




### Масъулияти чекланган жамиятлар




**22,9  
фоизга  
ошди**



### Оилавий корхоналар



**45,0  
фоизга  
ошди**




### Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони



**Ўтган йилга  
нисбатан 57,7  
фоизга ошди**



### Хусусий корхоналар





**10,8  
фоизга  
ошди**



# Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)



**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони**  
(2021 йил 1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)

- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият

**484**



- Яшаш учун жой билан таъминланган ҳолда парваришлаш

**13**



- Яшаш учун жой билан таъминланмаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш

**15**



**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони**

(2021 йил 1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)



**228 та  
Яшаш бўйича  
хизматлар**




**1 202 та  
Озиқ-овқат  
маҳсулотлари ва  
ичимликлар етказили  
бўйича хизматлар**

2021 йил 1 апрел ҳолатига кўра, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони 1 430 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,3 фоизга ошди.


Жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони қўпайишининг асосий омили – озиқ-овқат ва ичимликлар етказиш бўйича хизматларнинг – 11,9 фоизга (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 84,1 фоиз), яшаш бўйича хизматларнинг – 2,7 фоизга (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 15,9 фоиз) ўсишидир.

## Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони


( 1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)




### Кичик тадбиркорлик субъектлари сони




### Микрофирмалар



### Кичик корхоналар




### Масъулияти чекланган жамиятлар




### Оиласвий корхоналар




### Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони



### Хусусий корхоналар




**Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони  
(1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)**



# Ташиш ва сақлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони


(1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)




Кичик тадбиркорлик субъектлари сони



Микрофирмалар




Кичик корхоналар




Масъулияти чекланган жамиятлар




Оилавий корхоналар



Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони



Хусусий корхоналар сони



## Кичик тадбиркорлик субъектлари сони

(2021 йил 1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)



Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони (иқтисодий фаолият турлари  
бўйича 1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)



## Оилавий корхоналар сони

(1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)



Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2021 йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра 4 094 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 851 тага ёки 26,2 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 3 806 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 762 тага ёки 25,0 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

2021 - йилнинг март ойида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 325 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 334 тага ёки 49,3 фоизга камайганлигини ко‘риш мумкин.


## Масъулияти чекланган жамиятлар сони

(1-апрель ҳолатига кўра, бирликда)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра 11 033 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 080 тага ёки 23,2 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 10 228 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 791 тага ёки 21,2 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

2021 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 751 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 78 тага ёки 11,6 фоизга ошганлигини кўриш мумкин



## Хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони

(2021 йил 1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)



Рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 200 тани ташкил этиб, улардан 185 таси ёки 92,5 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 42 тага ёки 26,5 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йилнинг январь-март ойларида вилоятимизда 16 та хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди.

## Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони

(иқтисодий фаолият турлари бўйича 2021 йил 1-апрел ҳолатига кўра, бирликда)




2021 й.

**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони**  
*(2021 йил 1- апрел ҳолатига кўра, бирликда)*



**Туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони**  
*(2021 йил 1- апрел ҳолатига кўра, бирликда)*



**Туманлар кесимида хорижий капитал иштироқидаги фаолият  
күрсатаётган корхоналар сони**  
(2021 йил 1-апрел ҳолатига күра, бирликда)

|                       | Жами       | шундан:       |                 |
|-----------------------|------------|---------------|-----------------|
|                       |            | құшма корхона | хорижий корхона |
| <b>Хоразм вилояти</b> | <b>185</b> | <b>113</b>    | <b>72</b>       |
| Урганч ш.             | 64         | 39            | 25              |
| Хива ш.               | 16         | 10            | 6               |
| <b>туманлар:</b>      |            |               |                 |
| Боғот                 | 6          | 5             | 1               |
| Гурлан                | 7          | 5             | 2               |
| Кўшкўпир              | 6          | 5             | 1               |
| Урганч                | 24         | 9             | 15              |
| Ҳазорасп              | 4          | 1             | 3               |
| Тупроққалъа           | 7          | 3             | 4               |
| Хонқа                 | 8          | 5             | 3               |
| Хива                  | 12         | 6             | 6               |
| Шовот                 | 11         | 10            | 1               |
| Янгиариқ              | 9          | 6             | 3               |
| Янгибозор             | 11         | 9             | 2               |

Хорижий капитал иштироқидаги фаолият күрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Урганч шаҳрида - 64 тани (умумий миқдоридаги улуси 34,6 фоиз), Урганч туманида - 24 тани (12,9 фоиз), Хива шаҳрида 16 тани (9,1 фоиз), Хива туманида- 12 тани (6,7 фоиз), Янгибозор туманида- 11 тани (5,9 фоиз) ҳамда Шовот туманида - 11 тани (5,9 фоиз) ташкил этади.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри - ахборот-маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилашиб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхона ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришини таъминлайди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслардир (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташқари).

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда давлат статистика органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслардир.

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда, юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслардир.

Кичик корхона ва микро фирмалар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сон қарорининг 1 - иловасига мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилади.

## VIII. ХИЗМАТЛАР

2021 йил январь-март ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 1888,0 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2020 йил январь-март ойларига нисбатан ўсиш 108,6 фоизни ташкил этди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш (2021 йилнинг январь-март ойлари учун)


|  | Млрд. сўм      | Ўсиш суръати, % | Жамига нисбатан % |
|--|----------------|-----------------|-------------------|
| <b>Хизматлар – жами</b>  | <b>1 888,0</b> | <b>108,6</b>    | <b>100,0</b>      |
| <i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>  |                |                 |                   |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари  | 97,4           | 115,7           | 5,2               |
| молиявий хизматлар   | 367,5          | 123,2           | 19,5              |
| транспорт хизматлари   | 425,0          | 101,1           | 22,5              |
| шу жумладан: автотранспорт хизматлари  | 408,4          | 102,5           | 21,6              |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари  | 46,5           | 110,5           | 2,5               |
| савдо хизматлари   | 504,4          | 102,1           | 26,7              |
| кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар   | 53,8           | 108,4           | 2,8               |
| таълим соҳасидаги хизматлар  | 80,2           | 96,3            | 4,2               |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар   | 34,7           | 100,7           | 1,8               |
| ижара хизматлари   | 44,6           | 123,1           | 2,4               |
| компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар                         | 71,7           | 102,1           | 3,8               |
| шахсий хизматлар   | 59,7           | 104,8           | 3,2               |
| меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 56,8           | 173,6           | 3,0               |
| бошқа хизматлар  | 45,7           | 109,6           | 2,4               |

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида юқори ҳажм савдо хизматлари (504,4 млрд. сўм), транспорт хизматлари (425,0 млрд. сўм), молиявий хизматлар (367,5 млрд. сўм), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (97,4 млрд. сўм) га тўғри келади.

Энг кичик ҳажм соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (34,7 млрд. сўм), ижара хизматлари (44,6 млрд. сўм), бошқа хизматлар (45,7 млрд. сўм) га тўғри келади.

Шунингдек, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (173,6 %), молиявий хизматлар (123,2 %), ижара хизматлари (123,1%) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (115,7 %) ўсиш суръатлари юқори бўлди.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби (2021 йил январь-март ойлари учун)**



Хизматлар таркибидаги савдо хизматлари – 26,7 % улуш билан етакчи ўринни эгаллайди. Хозирги вақтда савдо соҳаси истеъмолчиларнинг бозор талабини шакллантириш жараёнида фаол иштирокчи хисобланади. Бугунги кунда савдо хизматлари мамлакат иқтисодиётида кўрсатилаётган хизматлар умумий ҳажмининг сезиларли қисмини ташкил этади. Республикада замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда чакана савдо тармоқлари фаол ривожланмоқда.

**2021 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият  
турлари бўйича хизматлар таркиби**

**Энг кам улуш**

**Меъморчилик  
соҳасидаги  
хизматлар  
3,0 %**



**Кўчмас мулк  
 билан боғлиқ  
хизматлар  
2,8 %**



**Яшаш ва  
овқатланиш  
хизматлари  
2,5 %**



**Бошқа хизматлар  
2,4 %**



**Ижара хизматлари  
2,4 %**



**Соғлиқни сақлаш  
соҳасидаги  
хизматлар  
1,8 %**



**Энг катта улуш**

**Савдо  
хизматлари  
26,7 %**



**Транспорт  
хизматлари  
22,5 %**



**Молиявий  
хизматлар  
19,5 %**



**Алоқа ва  
ахборотлашириш  
хизматлари  
5,2 %**



**Таълим  
соҳасидаги  
хизматлар  
4,2 %**



**Компьютерлар ва  
мъиший  
товарларни  
таъмирлаш  
3,8 %**



**Шахсий  
хизматлар  
3,2 %**



Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (26,7 %), транспорт хизматлари (22,5 %), молиявий хизматлар (19,5 %) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (5,2 %) түғри келади.


Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,8 %), ижара хизматлар (2,4 %), шунингдек яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (2,5 %) га тўғри келган.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифати ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

2021 йил январь-март ойларида савдо хизматлари ҳажми 504,4 млрд. сўмга тенг бўлди. Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 26,7 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан савдо хизматларининг ҳажми 66,1 млн. сўмга ошди.

### **Савдо хизматларининг таркиби (2021 йил январь-март ойлари учун)**



Савдо хизматлари таркибида автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоқقا эга бўлиб, унинг улуши 78,4 % ни ташкил этади.

Улгуржи савдо бўйича хизматларнинг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 14,0 % га етди.

Автомобиллар ва мотоциклларни таъмираш бўйича хизматларни қўшган ҳолда автомобиллар ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар умумий савдо хизматлари ҳажмида 7,6 % ни эгаллади.

Транспорт хизматларининг умумий ҳажмида қуруқликдаги транспорт хизматлари – 97,8 %, омборга жойлаштириш хизматлар ва ёрдамчи транспорт хизматлари – 1,7 %, почта ва курьерлик хизматлари – 0,5 % ни ташкил этади.

**Транспорт хизматларининг таркиби % да  
(2021 йил январь-март ойлари учун)**



Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари хисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари хозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АҚТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари хажмини оширишга таъсир кўрсатади.



**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби,%  
(2021 йил январь-март ойлари учун)**

2021 йил январь-март ойларида вилоят бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 97,4 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 115,7 % ни ташкил этди. Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 5,2 % ни ташкил этди.


Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш (96,4 %) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, Интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.к.) ҳиссасига тўғри келади.

Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий банк хизматлари кўрсатиш, жумладан “ракамли” банклар ва чакана хизматлар кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларини ташкил этиш учун инновацион банк технологияларини жорий қилиш, масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш, тўлов тизимини янада ривожлантириш молиявий хизматларнинг жадал ривожланишига ёрдам беради.

### Молиявий хизматларнинг таркиби, %

(2021 йил январь-март ойлари учун)



Натижада, 2021 йил январь-март ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 367,5 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўсиш 123,2 % ни ташкил этди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суѓурта ва нафаќа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши 91,3 % устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суѓурта хизматларининг улуши 5,0 % ни, ёрдамчи молиявий фаолият 3,7 % ни ташкил этди.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмида озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматлар 72,7 % улуш билан етакчилик қилмоқда. Яшаш бўйича хизматлар улуси 27,3 % га тўғри келади.

**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг таркиби, %**  
